

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 14 июнь, № 116 (5536)

Пайшанба



Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-санот, сармоя, авиасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, сайёҳлик, тўқимачилик, солиқ ва боғжона каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия хамраиси Бахтиёр Абдусаматов Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, jumladan, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, ҳукуматлараро комиссиянинг мунтазам ўтказиб келинаётган мажлислари ўзаро иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришга, мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва техникавий-молиявий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади. Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўтган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик ҳамкорликдаги кўплаб лойи-

ҳалар ҳаётга татбиқ этилди ва яна қатор лойиҳаларнинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-хўна таълимини ривожлантириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда Швейцария сармоiasi иштирокида тузилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 29 фирми ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, чиннисозлик, матбаачилик, тўқимачилик ва савдо каби соҳаларда иш олиб боради.

Музокарада Швейцария делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли хўсуийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчилик билан олиб борилаётган ислохотлар натижалари, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" маҳсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қўлай имкониятлар билан таништирилди.

Ўзбекистон Швейцариянинг муҳим ҳамкорларидандир, — деди Швейцария Конфедерацияси Федерал иқтисодиёт вазирлигининг иқтисодиёт бўйича Давлат котибатиининг икки томонлама иқтисодий муносабатлар департаменти раҳбари, комиссия хамраиси Эрик Мартен. — Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётганини биз юксак қадрлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

ИЗЧИЛ ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР

саноат корхоналаримиз фаолиятида тобора яққол акс этмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, яратилаётган имконият ва имтиёзлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, саноат тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жараён

Натижада 2011 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16,4 фоизга ўсди. Шунингдек, ҳудудий инвестиция дастури доирасида ўтган йили 52 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 28,8 миллион АҚШ долларлик хорижий ва маҳаллий инвестициялар ўзлаштирилди.

Бу борадаги янгилаанишлар самарасини МЧЖ шаклидаги "Эталон-Сангзор" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 2010 йилда корхонага газмол тўқишга мўлжалланган технологик линия сотиб олиш учун 250 минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилди. Пировадида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 2,5 баробарга ошди, 26 та қўшимча иш ўрни яратилди. Айтиш пайтда бу ердаги мато тўқиш цехида 15 хил мебелбоп матолар, 20 турдаги сочиқлар, бошқа бир цехда эса 40 дан ортиқ турдаги мебеллар тайёрланмоқда.

Муҳими, корхона маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир. Масалан, ўтган йили 795,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий



йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 684 миллион сўмни ташкил этди. 2012 йилги умумий шартномалар портфели эса 1,5 миллиард сўмга етди.

— 36 кишидан иборат жамоамиз билан халқимизга сифатли ва арзон нархларда маҳсулотлар етказиб бераётганимиздан мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари

Жаҳонгир Эргашев. — Ҳозир газмолбоп ипларни шу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида Мазкур лойиҳа амалга ошгач, маҳсулот таннари янада

арзонлашади ва валютани тежаш имконияти вужудга келади.

Улугбек АДИЛОВ, Шомурод ШАРОПОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

«Ўзбекистон иқтидорли, порлоқ келажакни қура оладиган ёшларга эгадир»

Маълумки, юртимизда жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади. Хусусан, республика-мизда ёшларни соғлом турмуш тарзига фаол жалб этиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани бугун дунё миқёсида ўз эътиробини топмоқда.

Биз ва жаҳон

Яқинда Навоий шаҳрида ўтказилган ва хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотган "Умид ниҳоллари — 2012" спорт уйинлари ҳам бу борадаги муваффақиятли натижаларимиздан бирidir.

Британия Кенгаши-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси дирек-

тори Стив Макналти спорт замонавий жамиятда, айниқса, ёшларнинг жисмонан соғлом ривожланишида катта ўрин тутишини қайд этди. "Спорт бўш вақтнинг қизиқарли ўтишини таъминлашга, ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатилиши, жамоада ишлаш кўникмасининг шаклланиши, тана ва руҳ саломатлигининг мустаҳ-

камланиши сингари қатор мақсадларга эришишга кўмаклашади, — деди у. — Шу аснода спорт билан шуғулланувчи ёшлар ўзларида етакчилик кўникмаларини ҳам ривожлантира бориб, кейинчалик уларни касбий ёки ижтимоий ҳаётда қўллайдилар. Спорт билан шуғулланадиган ёшларнинг ҳаммаси ҳам олимпия мусобақаларида иштирок этмасликлари мумкин,

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ус-

қарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, улгарга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш

Имтиёз ва имкониятлар

экспорт салоҳиятини оширишда алоҳида ўрин тутуди

тувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий қўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чи-

зарур", деб алоҳида таъкидлаган эди. 2012 йил 26 мартда Президентимизнинг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Мамлакатимизда энг замонавий инновацияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, саноат тармоқларига илгор ишланмаларни изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, жаҳон бозорига рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан туриб, харидоргир маҳсулот тайёрлаб бўлмайди.

Инновацион лойиҳалар — амалиётга

Этиборлиси, бу жараёнда юртимиз олимлари томонидан яратилган илгор ишланма ва технологиялардан фойдаланилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти юқори бўлиб, ҳар йили юзлаб инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар яратилмоқда. Санотчилар улар орасидан энг мақбуллари танаб, ишлаб чиқаришга татбиқ этишаётир. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил этилган анжуман ҳам инновацион лойиҳалар ва ишланмаларни амалиётга жорий қилишни рағбатлантириш масалалари ва бу борадаги устувор вазифаларга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Сирдарё

Боёвут туманидаги Жўлангар қишлоғида чинни буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Karkut servis" хўсусий корхонаси иш бошлади.

Боёвут чинчилари

Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар қисқа вақт мобайнида ўз харидорларини топди. — Дастлаб 10 нафар йигит-қизнинг касб бўйича маълумоти олиниб, — дейди корхона раҳбари Бекзод Йўлдошев. — Ҳозир ойига 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрляймиз. Тез орада фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамыз. Айтиш жоизки, йил бошидан буён тумандаги кичик бизнес субъектлариға банклар томонидан 4 миллиард 135 миллион сўмлик кредитлар берилиши ҳисобига 400 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллийлаштириш дастури самараси

"ЎзКореямедикал" қўшма корхонасида бир йўла иккита бизнес лойиҳа амалиётга татбиқ этилди.

Бухоро

— Болалар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришимизда банк томонидан ажратилган бир миллион 300 минг АҚШ долларлик кредит ҳамда Маҳаллийлаштириш дастури кўп келди. — дейди корхона бош директори ўринбосари Жамшид Шамсиддинов. — Йилига 17

миллион дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга цехда ҳозир 15 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Иккинчи лойиҳа асосида эса совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 10 нафар киши билан иш бошлаган ушбу цехда йилига 2 миллион дона совун тайёрлаш имконияти мавжуд.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли учун шинам уйлар

Вилоят марказидаги Бобур шоҳқўчасида 4 та кўп қаватли тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 84 хонадонга мўлжалланган ушбу уйлар "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси томонидан ажратилган 10,7 миллиард сўм маблағ ҳисобига барпо этилди.

Наманган

Этиборлиси, уларнинг аксариятига ёш оилалар кўчи киришмоқда.

— Икки хонали уйни сотиб

олишда банкнинг имтиёзли кредитидан фойдаландик, — дейди Солияхон Ортиқова. — Ўзига хос дизайн, замонавий инфратузил-

ма хонадонга шинамлик бағишлаб турибди. Бинонинг биринчи қаватида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эса биз учун қўшимча қўлайлиқдир.

Айтиш пайтда бинокорлар шоҳқўчада яна 12 та кўп қаватли тураржой қурилишини ниҳосига етказишмоқда. Ушбу бинолар фойдаланишга топширилиши билан уй тўйини нишонлаган оилалар сони 672 тага етади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Денгиз лок-бўёк" МЧЖнинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ.

Саккиз турдаги маҳсулот

Шунга қарамай, корхона жамоаси ички бозорга чиқараётган сифатли ва ҳамёнбоп қурилиш маҳсулотлари ўз харидорларини топди. Ҳозир бу ерда 8 турдаги пардозлаш ашёлари тайёрланмоқда.

— Шу кунларда банкнинг 500 миллион сўмлик кредити эвазига қўшимча технологик линияни келтириш ҳаракатидамыз, — дейди тadbirkor Абдумалик Ниёзов. — Бу билан маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш баробарида, уларни харидорларга сифатли ва бежирим қадокларда етказиш имкони туғилади.

Этиборлиси, жорий йил биринчи чорагида вилоятда 2,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиши ҳисобига қурилиш материаллари тайёрловчи 12 та янги корхона маҳсулот бера бошлади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИШ УНУМДОРЛИГИ ОШДИ ВА СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

"Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси томонидан кейинги йилларда

1258 тадан зиёд мелиоратив техникалар сотиб олинди.

Ушбу замонавий ва юқори унумли техникалар мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари, сув истеъмолчилари уюмлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга 10 йил муддатга имтиёзли лизинг асосида етказиб берилгани уларнинг фаолиятини ривожлантириш, ирригация ҳамда мелиорация тадбирларини тез ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз талафотидан азият чекаётган бир даврда Ўзбекистонда пухта ва мустаҳкам шакланган иқтисодий механизм боис мамлакатнинг ушбу бўҳрон таъсиридан деярли зиён кўрмай чиқа олди. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратил-

ган. Ўзбекистонда барпо этилаётган иқтисодий зоналарда иш юритишга Швейцария сармоядорлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик муносабатларини жадал тараққий эттиришдан манфаатдоримиз. Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик, банк-молия, савдо-сар-

моя, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Ташриф доирасида Швейцария делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.



Қишлоқларимизнинг кўркам қиёфаси

— Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Гурлан туманининг Саҳтиён қишлоғида яшовчи Илҳомбой Каримов. — Биргина туманимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини олайлик. Кейинги йилгирма йил ичида қад ростлаган замонавий мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, кенг ва раван йўللар...

Бунёдкорлик

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойларни айтмайсизми?! Биз ҳам яқинда шундай уйларида бирини харид қилдик. Хонадондаги қулайликлар, шарт-шароитлар шаҳардагидан асло қолшмайди. Газ, ичимлик суви каби барча коммуникация тармоқларига уланган.

Айтиш жоизки, бу борадаги ишларни изчил амалга оширишда Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Унга қура, Хоразм воҳасидаги кўпгина қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди,

янги-янги мавзелар вужудга келди.

Хусусан, сўнгги уч йил давомида вилоятнинг 39 та массивида 1160 та намунавий лойиҳа асосидаги тураржой бўлиб этилиб, ўз эгаларига топширилди, ушбу ҳудудларда 78 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобига 42 километрдан ортиқ газ, 72 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари, 20 километрга яқин электр линиялари, 28 километр ички йўллар қурилди.

Жорий йилда ҳам бунёдкорлик ишлари кўлами кенг. Хозир вилоятдаги 20 та массивда 650 та уй-жой қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Эътиборлики, ушбу муҳташам иморатлар воҳанинг иқлим шароити ва табиатидан келиб чиқиб лойиҳалаштириляпти.

Қўридаги қарор талабларига қўра, қурилиш тақилотларига қўра борасида қатор имтиёзлар берилган. Қолаверса, қурилиш материалларининг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётгани ҳам тураржойлар баҳосининг бирмунча арзонлашишига олиб келмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 46 та гишт заводи модернизация қилинган, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 15 та янги корхона фойдаланишга топширилган бўлиб, айниқса, фойда бераяпти.

Умуман, воҳада амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларидан кўзланган мақсад битта: аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлаш. Шундай экан, бу борадаги хайрли ташаббуслар, эзгу саъй-ҳаракатлар янада кенг қўлам касб этиб боравериши шубҳасиз.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: янги уй соҳиблари Раҳимовлар оиласи. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мазкур қарор айна пайтда давом этаётган ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотларни экспортга етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, рақобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини ҳаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда қўмаклашиш мақсадларини кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, Солиқ кодексининг 356-моддасига асосан, солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига йўналтирилган маблағлар суммасига камайтириш ҳуқуқи берилган. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади.

Қарорга мувофиқ, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатциядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтирилаётган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ҳолда солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микро-

фирмалар ва кичик корхоналар учун татбиқ этилган.

Бундан ташқари, маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга халқаро молия институтлари, донор мамлакатлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон

да экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши рағбатлантириш мақсадида экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тизими яратилганлиги ҳам қарорда таъкидланган.

Ушбу солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тизими нималардан тўланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустаснолиги назарда тутилган.

Солиқ кодексининг 212-моддасида товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металл бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича диган валюта сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортдаги улуши агар 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида 30 фоизга ҳамда экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоз бўлганида 2 мартабага камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги "Текстиль саноати корхоналарини тезкор ривожлантириши рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳ-

да экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши рағбатлантириш мақсадида экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тизими яратилганлиги ҳам қарорда таъкидланган.

Ушбу солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тизими нималардан тўланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустаснолиги назарда тутилган.

Солиқ кодексининг 212-моддасида товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металл бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича диган валюта сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортдаги улуши агар 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида 30 фоизга ҳамда экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоз бўлганида 2 мартабага камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги "Текстиль саноати корхоналарини тезкор ривожлантириши рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳ-

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

"Ҳозирги вақтда бутун дунёда ёшларнинг шиддат билан ўзгариб бораётган замонга мослаша олишига имкон берадиган билим ва кўникмаларини тарбиялаш муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Британия Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларда мен ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълимнинг янгиқа услубларини қўлланши давом эттириш бўйича катта ўзгаришларни кўраяман. Ўзбекистон ёшлари билан учрашган чоғларимда уларнинг, айниқса, инглиз тилини ўрганиш борасидаги қизиқишларини мени хайратга солади. Шубҳасиз, Ўзбекистон ниҳоятда иқтидорли, ўз мамлакатаи учун порлоқ келажакни қура оладиган ёшларга эгадир", деди у.

«Ўзбекистон иқтидорли, порлоқ келажакни қура оладиган ёшларга эгадир»

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистонлик спортчиларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан кузатишни маълум қилди. С. Макналти уларнинг ютуқлари бутун мамлакат ёшлари учун янада катта рағбат бўлишидан умидвор эканлигини айтди.

Британия Кураш уюшмаси бош қотиби Пол Соьер спортчи ва таълим соҳаси ходими сифатида ёшларнинг севимили спорт тури билан шуғулланишларини рағбатлантирадиган ҳар қандай машғулотни маълумлашни ва қўллаб-қувватлашни билдирди.

"Спорт болаларда курашаник,

интилиш туйғуларини тарбиялагани ҳолда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний машқларнинг афзаллигини англаб етишларига қўмаклашади. Спорт ҳаёти, ижтимоий кўникмаларнинг ривожланишида муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ҳукуматининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари сингари миллий миқёсдаги лойиҳаларга улкан маблағлар ажратаётганини кўриш кишига алоҳида манмуний бахш этади", деди П. Соьер.

Ўзбекистонда таълим соҳасининг тарақиёти хусусида тўхталар экан, у Ўзбекистон ҳукумати томонидан мазкур соҳани янада ривожлантиришга сарфланаётган вақт ва маблағлар узоқни кўзланган ҳамда

оқилона сиёсатнинг тасдиғи ҳисобланганини, яши таълим-тарбия эса бутун мамлакат келажак учун ниҳоятда муҳим омил эканлигини қайд этди.

"Қатор ёш спортчилар, қолаверса, мамлакатингизнинг кўплаб иқтидорли талабалари билан шахсан танишиш шарафига муассас бўлганим боис, шунинг билан айта оламани, Ўзбекистон спорт ва таълим соҳаларида тўғри сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқига ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодини тарбиялаш борасидаги вазифаларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилаймман", дея ўз фикрини яқунлади П. Соьер.

«Жаҳон» АА.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиқ ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишга оид қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадбирда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олий ўқув юртлири, илмий тадқиқот институтлари ҳамда илмий марказларнинг олим ва мутахассислари қатнашди.

Аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим мезони

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий пойдевор яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиқ ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг бу борадаги ўрни катта, албатта.

— Бугунги кунда юртимизда зараркунандаларга қарши биологик усулни кенг

қўллашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бўлими бошлиғи О. Исоқов. — Шунингдек, чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш тадбирлари самарали амалга оширилмоқда, маҳаллий корхоналар томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш кенг рағбатлантирилмоқда.

Хозир мамлакатимизда мингдан ортиқ биологикариятлар фаолият юритиб, уларнинг моддий-техник базаси йилдан-йилга мус-

таҳкамланиб борилаётир. Биомасхулотларни ишлаб чиқариш ва қўлаш ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиғида ишлатилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиғи доимий равишда ўрганилиб, уларнинг мониторингини юритилмоқда.

Тадбирда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари соҳа ривожини, чунончи, ҳосилдорлиқни кўпайтириш, уни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олишда керакли натижаларга эришишда катта роль ўйнаётгани қайд этил-

ди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиғи ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий механизмларни

янада такомиллаштиришга доир тақлифлар ҳам билдирилди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиғи экинлари майдонлари, аҳоли томорқалари ва иссиқхоналарда фитосанитария ҳолатини аниқлаш бўйича кузатув ишларини ўтказиш, фермер хўжалиқлари ва аҳолини ўсимликларни ҳимоя қилишда зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, уларни ташиш, сақлаш, сотиш ва қўллаш бўйича белгиланган қоидаларнинг ихросини назорат қилиш каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

С. МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг

Инновацион лойиҳалар — амалиётга

ташаббуси билан инновацион фаолиятни ривожлантириш, олим ва тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани иқтисодийёт тармоқларида талаб юқори бўлган технологиялар яратилишига кенг йўл очиб бераётганини таъкидлади. Мунтазам равишда ўтказиб келинадиган Республика инновацион ғоялар, техноло-

лар имзолангани бунинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда республика Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасаларнинг инновацион фаолияти кенгайиб бораётгани кувонарлидир. Масалан, 2011 йилда 43 та инновацион лойиҳа бажарилган бўлса, жорий йилда 71 шундай ишланма устида изланишлар олиб борилмақда. Натижада

биринчи чоракнинг ўзида 4,23 миллиард сўм миқдорда нобуджет маблағлари жалб қилинди.

— Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг жадаллашуви ички

ди Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбарининг ўринбосари Одилхўжа Парпиев. — Масалан, "Ўзкимёсаноат" ДАК тизимидаги корхоналарда инновацияларнинг қўлланилиши эвазига янги турдаги минерал ўғитлар ва юқори самарали дефолиантлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўтган қисқа давр ичида 71,4 миллиард сўмлик шундай маҳсулотлар тайёрланиб, уларнинг бир қисми экспорт қилинганлиги диққатга сазовордир.

■ Анжуманда саноат корхоналари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, илмий изланишларини иқтисодийёт тармоқларида учраётган муаммолар ечимига йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам муфассал маълумотлар берилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● АСАКАлик мусиқага ихлосманд болақонлар учун мустақиллигимизнинг 21 йиллиғи олдидан ўзига хос байрам совғаси ҳозирланди. Гап шундаки, тумандаги Ниёзботир қишлоғида 2 миллиард сўм маблағ ҳисобига барча қулайликларга эга 150 ўринли Болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди. Худуддаги 11-муסיқа мактабида эса бир миллиард 250 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги ўқув йилга шай қилиб қўйилди.

● ҚАРШИ шаҳридаги "Арт-мебель эксклюзив" МЧЖда Мустаҳкам оила йили муносабати билан янги турдаги мебель жамланмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу жамланма кийим жавонни, китоб тоқчаси, компьютер столи, зина шаклидаги галлодон иборат бўлиб, ўзига хос шакли ва сифати билан, айниқса, ёш оилаларга манзур бўлмоқда.

● НАВОЙИ давлат педагогика институтида "Очиқ эшиклар кўни" бўлиб ўтди. Унда иштирок этган коллеж ва академик лицей битирувчиларига ушбу олий таълим муассасасида яратилган имкониятлар ҳамда келгуси ўқув йили билан боғлиқ янгиликлар, хусусан, янги очилган мутахассисликлар бўйича атрафлича маълумот берилди.

● ГУЛИСТОНлик тадбиркор Умиджон Қўлдошев томонидан "Дехқоннобуд сифати мебель" МЧЖ ташкил этилиб, банкдан ажратилган 70 миллион сўм маблағ ҳисобига замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Айна пайтда қорхонада уй ва идора гарнитурлари, стол-стул, парта ҳамда бошқа мебеллар ишлаб чиқарилиб, бюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг ўтган даврида Гулистон туманида 20 дан ортиқ ана шундай кичик қорхона фаолият кўрсата бошлади.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Молия муассасаларида

Саноат ривожига илгор ва тежамкор технологияларнинг ўрни муҳим. Қолаверса, бу сифат ва самарадорликни таъминловчи омиллардан биридир. Шу боис мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиб, рақобатбардош маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозордан мустақкам ўрин эгаллашни мақсад қилган ишбилармонлар, аввало, замонавий ускуналарни харид қилишга алоҳида эътибор қаратадилар. Истиқболли лойиҳалар, хайрли ташаббусларни эса сармоясиз рўёбга чиқариб бўлмаслиги, табиий.

ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, банкнинг молиявий кўмаги асосида қўллаб-қувватланиб, “Жомбой жавоҳири” масъулияти йўлга қўйилиши ва кенгайтиришига эришди.

— 2009 йилнинг июль ойида иш бошлаган эдик, — дейди “Galla Osiyo Non” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наим Бахриев. — Корхонамизда тайёрланган нон ва нон маҳсулотлари қисқа муддатда ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили фаолиятимизни

дақи “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳам банк томонидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, Жомбой туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Жомбой жавоҳири” масъулияти чекланган жамияти банкнинг 7 миллиард 249 миллион сўмлик кредитдан фойдаланиб, янги ускуналар сотиб олди. Айни пайтда ушбу технологиялар корхона цехларига ўрнатилди.

Ишбилармон аёллар қўллаб-қувватланмоқда

Юртимизда истиқболнинг дастлабки йилларидан жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотлар жараёнида Миллий банк жамоаси ҳам ўз молиявий хизматлари билан иштирок этиб келапти. Пировардиде аёлларнинг ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун сармоялар ажратиладигани жойларда тадбиркор-



кўплаб ёшлар ўз лойиҳалари билан қатнашиб, банкнинг имтиёзли кредитлари билан таъминланди.

— Миллий банкнинг Самарқанд бўлимидан 5 миллион сўмлик кредит ажратилди, — дейди Каттақўрғон тиббиёт коллежи битирувчиси Назоқат Ҳайдарова. — Ушбу сармояга оилавий жамгармамиз ҳисобидан маблағ қўшиб, “Гузалик салони” фаолиятини йўлга қўйдик. Натияжада 3 та иш ўрни ташкил этилди.

Булғунғур аргосаноат касб-хунар коллежи битирувчиси Сардор Холбоев эса картошка етиштириш мақсадида банкдан 2 миллион сўм кредит олди. Ҳозир ана шу лойиҳани амалга ошириш ҳаракатида. Унинг таъминлаш мақсадида банк томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳар ва туманларда коллеж битирувчилари учун учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар машғулотлари ўтказилаётгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги илгор ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани эътиборга лойиқ.

Масалан, яқинда Самарқанд вилоятида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз билан таъминлаш мақсадида ўтказилган “Энг яхши мутахассис”, “Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотларида

Халқимизда “Интилганга толе ёр”, деган ибратли гап бор. Буни Миллий банкнинг Самарқанд бўлими жамоаси кундалик шioriга айлантириб, мижозлар ишончини қозонишга, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий раванқига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳарakat қилмоқда. Зеро, интилиш ташаббусга, ташаббус эса тараққиётга бошлайди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

Бизнес режалар, мақсадли сармоялар



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бу борада тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва мадақдори, десак янгилишмаган бўламиз. Айниқса, молия муассасасининг Самарқанд бўлими фаолияти бу борада эътирофга лойиқ. Айни пайтда ушбу бўлим ва унинг туманлардаги филиаллари орқали 228 мингдан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Шундан 6532 нафарини юридик шахслар ташкил этади.

доимий диққат-эътиборида. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 79,5 миллиард сўмдан ошди. Шундан 61,8 миллиард сўмдан зиёди узоқ муддатли кредитлар эканлиги эътиборга молик. Мазкур сармоялар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш, транспорт каби соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Бинобарин, уй-жой ва истеъмол товарлари харид қилиш истагидаги фуқаролар ҳам банк маблағларидан самарали фойдаланди.

Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва

янада кенгайтиришга қарор қилдик. Бизнес лойиҳамиз Миллий банк Самарқанд бўлими томонидан қўллаб-қувватланиб, 1 миллиард 280 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига хориждан замонавий ускуналар харид қилдик. Ҳозир кўнига 20 мингдан зиёд қопилли нон, 10 мингдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрлаб, савдо ҳоҳобчоларига етказиб бераёмиз. Шунингдек, модернизация ишларидан сўнг жамоамиз аъзолари сони 60 нафарга етди.

Кўнарлиси, вилоятда банк кредити асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, қўшимча иш ўринлари ташкил этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган бундай тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Пастдарғом туманида жойлашган “Сам Шердор Парранда” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Корхона жамоаси ўтган йилнинг ноябрь ойида банкдан 979,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган эди. Ҳозир бу ерда янги ускуналарни ўрнатилди. Лойиҳа тўлиқ рўёбга чиққач, 30 мингта парранда парвариланиб, парҳез маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди. Ўз навбатида, 15 кишининг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари Президентимизнинг 2009 йил 28 январь

Шу ўринда мебель ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Мебель стандарт” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини мисол келтириш мумкин. Корхона ўтган йилнинг декабрь ойида зарур хом ашё материаллари харид қилиш мақсадида молия муассасасига мурожаат қилди. Банк жамоаси қисқа муддатда 500 миллион сўм кредит ажратди. Орадан кўп ўтмай, янги жорий йилнинг биринчи чорадаёқ сармоя дастлабки самарасини берди: ўтган даврда бу ерда 290 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 10 нафар киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

— Юқорида келтирилган маблағларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардир, — дейди Миллий банк Самарқанд бўлими бошқарувчиси Шунқор Худойбердиев. — Бошқача айтганда, жорий йил бошидан буён банк томонидан 23 миллиард сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Натияжада молия муассасаси бўлими кредит портфели таркибидеги узоқ муддатли кредитлар улushi 51,1 фоизни ташкил қилди. Ажратилган маблағлар ҳисобига 600 дан зиёд иш ўринлари вужудга келди.

Бинобарин, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, вилоят аҳолиси Миллий банкнинг 6 миллиард сўмлик ипотeka, 1,1 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари билан ҳам таъминланди.

лиқнинг ривожланишига хизмат қилаётди. Масалан, жорий йилнинг июнь ойига қадар молия муассасасининг вилоят бўлими ҳамда унинг жойлардаги филиаллари томонидан 2010 йил 28 июлда имзоланган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳар ва туманларда коллеж битирувчилари учун учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар машғулотлари ўтказилаётгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги илгор ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани эътиборга лойиқ.

Масалан, яқинда Самарқанд вилоятида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз билан таъминлаш мақсадида ўтказилган “Энг яхши мутахассис”, “Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотларида

«Коллежни битириб, тадбиркор бўлдим»

Янги иш бошлаётган тадбиркор учун молиявий кўмакнинг аҳамияти катта. Миллий банк жамоаси ана шундай юртдошларимизни нафақат кредит маблағлари билан таъминлашга, балки уларга зарур маслаҳатлар ҳамда амалий тавсиялар беришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежларини битириб, ўз бизнесини йўлга қўяётган ёшлар бундай имкониятдан кенг баҳраманд бўлаётди. Пировардиде уларга ажратилаётган имтиёзли кредит-



Инвестиция — эл фаровонлигига

Мижозларга кредит бериш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўлим жамоасининг

Қурувларнинг ҳимоя зоналарида кирувчи ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан Магистрал қурувлар ҳимоя қондаларига қатъий риоя этган ҳолда, қурувларни эксплуатация қилувчи корхоналарнинг ёзма рухсатномасига асосан, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш мумкин.

Ҳимоя зоналаридаги қишлоқ ҳўжалик дала ишлари ердан фойдаланувчилар томонидан қурувларни эксплуатация қилувчи корхоналарнинг ёзма рухсатини олгандан кейин олиб борилади. Эқшш ва йиғиш мавсумларининг бошланиши ҳақида ушбу корхоналарни олдиндан хабардор қилиш талаб этилади.

Магистрал газ қурувларининг ҳимоя зоналарида қурувларнинг нормал эксплуатация қилинишига ҳалақит берадиган ёки уларга шикаст етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ишлар ТАКИКЛАНАДИ.

Қурувлар жойлашган ҳудудларда тураржой массивлари (аҳоли пунктлари), саноат ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари, иморатлар (тураржой ва нотураржой биноларнинг қурилиши) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ҚМҚ 2.05.06-97 — Магистрал қурувлар ҳимоя қондаларига назарда тутилган магистрал қурувларни лойиҳалаштириш бўйича қурилиш меъёрларига асосан, газ қурувлари ва улардаги ишоотлар ўқидан қурилма ва иморатларга бўлган минимал масофаларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Магистрал қурувлар ҳимоя қондаларининг бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг «Магистрал қурувларни муҳофаза қилиш қондаларини бузиш» ҳақидаги 150-моддасига асосан жавобгарликка тортиладилар.

Магистрал газ қурувларини эксплуатация қилувчи корхона ва ташкилотлар манзиллари:

- «Ўзтрансгаз» АК, 100031, Ташкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 31-«А» уй.
«Урганчтрансгаз» ШК, 140000, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Анна Герман кўчаси, 13-уй.
Газли магистрал газ қурувлари бошқармаси (МГҚБ), 106430, Бухоро вилояти, Газли шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-уй.
Муборак МГҚБ, 131000, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри.
Когон МГҚБ, 106100, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Газчилар кўрғони.
Зирабулоқ МГҚБ, 104100, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош шаҳри, Газчилар кўрғони.
Фаллаорол МГҚБ, 104602, Жиззах вилояти, Фаллаорол шаҳри, Газчилар кўрғони.
Самарқанд МГҚБ, 104433, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулбод шаҳри, Газчилар кўрғони.
Фарғона МГҚБ, 112000, Фарғона вилояти, Қирғули шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 11-уй.
Ташкент МГҚБ, 100160, Ташкент шаҳри, Сергели тумани, Қумарик (собик С. Олим) кўчаси, 22-уй.
Хўжабод газни ер остида сақлаш ишооти, 111155, Андижон вилояти, Хўжабод кўрғони.
Шимолӣ Сўх газни ер остида сақлаш ишооти, 113350, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Навбахор кўрғони.

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМФАРМАНИНГ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ (www.sgp.uz)

Салоҳиятни ошириш бўйича кўп мамлакатли ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси (ГЭЖ/БМТТД/ГИЗ/ГМ) лойиҳаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг тоғолди қургочлик районларида ерлари бўлган фермерларни ҳамда барча қизикқан кишиларни юқори навли хандон пистанинг саноат плантацияларини яратиш технологиялари бўйича бир кунлик ўқув семинарида иштирок этишга таклиф қилади. Бу технология Ўзбекистоннинг қургочлик тоғолди ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан энг фойдали амалиёти ҳисобланади. Семинар 2012 йилнинг июль ойи бошларида Республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази

Фаллаорол таянч пунктида (Жиззах вилояти) бўлиб ўтади. Иштирокчиларнинг сони чекланганлиги ва, асосан, вилоятлардан келган фермерларнинг семинарда қатнашишлари учун транспорт харажатларининг маълум қисмини қоплаш мақсадида катта бўлмаган молиявий ёрдам кўрсатилади. Таълаб олинган иштирокчилар рўйхатга олинганларидан сўнг семинарни ўтказишнинг аниқ муддати уларга телефон орқали қўшимча тарзда маълум қилинади. Машғулотлар рус тилида ўтказилади.

Тўлиқ маълумот ва семинарда иштирок этиш учун ариза билан (регистрация) Тўлағон Темуэр Эрнзаровичга қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишигиз мумкин: (+99897) 434-36-78.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади!

- «Capital Realtor Group» МЧЖ Қашқадарё филиали томонидан 2012 йил 29 июнь кунини соат 11.00 да Қарши шаҳри, И. Мўминов кўчаси, «Нарғиза» маиший хизмат уйининг 2-қаватида бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Ташкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан, Қарши шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги кўчас маулқар қўйилмоқда:
1. Қарши шаҳри, Қизил масжид кўчасида жойлашган бир қаватли маъмурий бино ва омборхона биноси. Бошлангич баҳоси — 393 587 829 сўм.
2. Қарши шаҳри, Қиличбек кўрғончаси, Маърифатчилар кўчаси, 16-ўйда жойлашган тураржой биноси. Бошлангич баҳоси — 89 039 331 сўм.
3. Қарши шаҳри, Гафур Фулом маҳалласи, Фузор кўчасида жойлашган савдо базаси. Бошлангич баҳоси — 3 282 881 643 сўм.
4. Қарши шаҳри, Чақар маҳалласи, М. Ҳасанова кўчаси, 30-ўйда жойлашган тураржой биноси. Бошлангич баҳоси — 63 024 966 сўм.
5. Қарши шаҳри, Ҳарамжой кўчаси, 12-ўйда жойлашган тураржой биноси. Бошлангич баҳоси — 135 753 651 сўм.
6. Қарши шаҳри, Қиличбек кўрғончаси, Маърифатчилар кўчаси, 16-«А» ўйда жойлашган тураржой биноси. Бошлангич баҳоси — 121 743 000 сўм.
7. Қарши шаҳри, Ҳарамжой кўчаси, 3-қатор, 14-ўйда жойлашган тураржой биноси. Бошлангич баҳоси — 100 820 700 сўм.
Манзил: Қарши шаҳри, И. Мўминов кўчаси, «Нарғиза» маиший хизмат уйи, 2-қават. Тел./факс: (8-375) 227-20-28. Лицензия BB-0017.

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ТАРОВИ! «URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институт томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синьовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га), кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га) аурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га) уруғларини таклиф қилади. www.semeh.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, (8-371) 234-42-17. Факс: (99871) 234-62-45.

al-rami сеточные панельные ограждения «eurofence». Применяются для ограждения больших территорий, спортивных площадок, жилых домов, птицеферм и т. д. Кладочная сетка с размером ячейки под заказ. Изделия из металла под заказ любой сложности — фермы, колонны, парапеты и т. д. Художественная ковка, решетки, перила, ворота и т. д. ПВХ-мембрана для покрытия кровли, искусственных водоемов, бассейнов — до 50 лет гарантия на материал. www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65

Республика Давлат ветеринария хизмати жамоаси бош мутахассис, ветеринария фанлари доктори Илхом Хасанович РАСУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия ихор этилади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Маданий-маърифий ва бадий-дам олиши дастури бош муҳарририни режиссёри Зафар Хўжакуловага падали бузруквори РАЗЗОК отанин вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихор этилади. Ташкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Травматология, ортопедия, боалар ортопедияси ва нейрорхирургия кафедрасининг собиқ ходими, профессор Азиз Патхиллаевич ЖАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия ихор этилади. Ташкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси Зухра Нурғалиевага падали бузруквори Шокир КАБИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихор этилади.

Бугун — Халқаро донорлар куни

Эзгулик, саховат ва мурувват, одатда, беғараз, беминнат бўлади. Аслида, савобталаб халқимизнинг кимгадир ёрдам қилини узатиш, қувончу ташвишида елкадош бўлишда "у менга бегона-ку", деган фикрга бормаслигининг сабаби ҳам шундан. Зеро, кўнглимиз буюрдими, имконимиз борми, ҳаммаша яхшилик қилишга, ҳаётимизга янгича мазмун киритишга ошиқамиз.

Эзгулик йўлидаги ибрат

Билсангиз, донорлар ҳам худди шундай феъл-атвор соҳиблари. Улар инсон ҳаётини сақлаб қолишда савобли юмушга ҳисса қўшишни ўзлари учун муқаддас бурч, деб билишади. Зотан, бу беғараз кўмак бахтсиз ҳодиса тўғрисида саломатлиги ҳавф остида қолган бир беморни кўтқариб қолиши, шубҳасиз.

— Бугунги кунда бутунжаҳон мисолида қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, беғараз донорликнинг ўрни ва аҳамияти нечоғли муҳим эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади, — дейди Республика Қон марказининг бош шифокори Аънонур Саидов. — Барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турганимиздек, ҳозирги пайтда тиббиёт соҳаси тобора ривожланиб бораётгани сайн шифо масканларида кўплаб мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Жарроҳлик амалиётини муваффақиятли бағариш учун эса, табиийки, кўп миқдорда қон керак. Мисол учун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, барча давлатларда қонга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш

учун ҳар 1000 кишига 40-60 нафардан донор тўғри келиши лозим. Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич ҳозирча 4-5 нафарни ташкил этади, холос. Айнан шу боис бугун беғараз донорлар сафини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг изчиллигини таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда.

Соҳа мутахассисларининг қайд этишича, қонга бўлган эҳтиёжни қондириб ва қон компонентларининг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳаммаша катта куч ҳамда маблағ талаб қилган. Чунки донор қонини текшириш, қайта ишлаш ва уни сақлаш жараёнида янги технологиялар, бир маротаба ишлатиладиган тиббий анжомлар ва замонавий тест-системаларини қўллаш, уларнинг узлуksиз таъминотини амалга ошириш зарурдир. Эътиборлиси, мамлакатимизда "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорли-

ги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ушбу йўналишда кўпгина хайрли юмушлар амалга оширилмоқда. Донорлар билан ишловчи тиббий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида беғараз донорликни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Хусусан, 2008 йилда ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури" қабул қилинди. Айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, кенг жамоатчилик орасида тиббий тарғибот тадбирларини кўчайтиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, маҳаллалар, олий ўқув юрталари, қорхона ва ташкилотларда беғараз донорликнинг

лик ва гинекология, шойлинич тиббий ёрдам ҳамда травматология йўналишларида жуда ҳам зарур. Қонга эҳтиёж, одатда, шойлинич юзага келгани боис унинг бемор ҳаётига хавф солмаглиги кафолатли лозимдир. Бунинг учун эса, энг аввало, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг тиббий маданият даражасини ошириш даркор.

— Донорлик қилиш учун 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган соғлом фуқароларга руҳсат этилади, — дейди марказнинг Донорлар бўлими бошлиғи Мукаррам Пула-

мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Маълумки, донор қони лейкоз, гемофилия, анемия сингари қон хасталиқларида, жарроҳлик амалиёти, онкологик касалликлар муолажасида, шунингдек, акушер-

това. — Қон фақатгина муайян тартиб-қоидаларга риоя этилган ҳолда, махсус жиҳозланган хоналарда олинади. Уни топширишдан аввал донор шифокор назорати, тиббий кўрик ва мутахассис суҳбатидан ўтказилади. Шундан сўнг у донорликка лойиқ, деб топилса, қон топшириши мумкин. Қон бериш инсон саломатлиги учун зарарли эмас, аксинча, фойдалидир. Ўрни донорнинг 400-450 мл. миқдорда қон бериши гипертония хасталигининг олдини олиши ва даволаш, организмда моддалар алмашинувини яхшилаш ҳамда иммунитетини мустаҳкамлашга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

...Ҳар йилги аънамага мувофиқ, бу йил ҳам 14 июнь — Халқаро донорлар куни мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланиши кўзда тутилган. Хусусан, бугун жойларда тиббий тарғибот юмушларига ҳисса қўшаётган мутахассислар ҳамда беғараз донорлар байрамога тadbир муносабати билан муносаб рағбатлантирилади. Шунингдек, пойтахтимиз ҳамда вилоятларда ушбу санага бағишланган илмий-амалий анжуманлар, маданий-маърифий тadbирлар, форум ва мулоқотлар ўтказилади. Булардан қўзланган асосий мақсад, саховатпеша юртдошларимизнинг эзгулик йўлидаги хайрли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни инсонийликка хос гўзал фазилатлар руҳида тарбиялашдир.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро кинофорумга тарафдор

Пойтахтимизда "Олтин гепард" II Тошкент халқаро кинофорумига тайёрларлик доирасидаги ижодий учрашув бўлиб ўтди. Таниқли санъаткорлар, режиссёрлар ва санъатшунос мутахассислар иштирок этган мазкур тadbирда навбатдаги нуфузли халқаро анжуманга тақдим этиладиган фильмлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

«Олтин гепард — 2012»



Қайд этилганидек, жорий йилнинг октябрь ойида "Фонд Форум" ташаббуси билан ўтказиладиган йирик ижодий йиғинга қизиқиш билдираётган хорижий санъат усталари сафи тобора кенгаймоқда. Хусусан, кинофорумда Болгария, Эрон, Жанубий Корея, Миср, Тунис, Марокаш каби

давлатлар вакиллари иштирок этиш истагини билдиришаптир. Аънамага кўра, бу гал ҳам лойиҳанинг танлов ва танловдан ташқари дастурларида иштирок этиш учун тўлиқ ҳамда қисқа метражли, шунингдек, анимацион фильмлар тақдим этилади. Киноасарлар ташкилий қўмитанинг махсус саралаш комиссияси хулосаси билан танлаб олинган кўзда тутилган. Кинофорумда қатнашадиган фильмлар рўйхати август ойида эълон қилинади.

Тошкент халқаро кинофорумига бағишланган ижодий учрашувда, шунингдек, замонавий кино санъатининг сценарий, режиссура ва актёрлик маҳорати сингари долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

М. АНВАРОВА.

Бандлик

Нукус шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Қорақалпоғистон бўлими, шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тadbирда 50 га яқин қорхона ва ташкилотларнинг 216 та бўш иш ўринлари тақлиф этилди.

Меҳнат шартномалари имзоланди

— Жорий йилда коллежимизни 5 та ихтисослик бўйича 638 нафар ўқувчи тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўяди, — дейди Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва сервис хизмати касб-хунар коллежи директори Тахир Дошкенов. — Уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишларида мана шундай меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта. Бир қанча шогирдларимиз учун ҳозирданок иш жойи тайин бўлгани ҳам ана шундан далолатдир.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (14 июнь)

Table with weather forecasts for various regions: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, Бухоро ва Навоий вилоятларида, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида, Тошкент шаҳрида.

Вазирликлар, идоралар, хорижий компаниялар, фирмалар, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари раҳбарлари диққатига! 2012 йил 14 июндан 16 июнгача геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия sanoati соҳа қорхоналари тармоқ sanoat ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда

Advertisement for "Ўзметкомбинат" OAJ. Includes text about exhibitions, products like metal pipes and coils, and contact information. Features images of industrial equipment.

Advertisement for "ИЖ АВТО" (Izh Auto) featuring cars from the Transneftkomplekt company. Includes contact details and website information.

Advertisement for "СОТАМИЗ" (Sotamiz) featuring electrical equipment like transformers and generators. Includes technical specifications and contact information.

Large advertisement for "TAKLIF ETAMIZ!" (We offer!) for the 2012-2013 industrial fair. Promotes the "O'zbekpomarkaz" MKK OAJ and lists various industrial products and services.

Footer section containing publication information: "Халқ сўзи Народное слово", editor's name (Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ), ISSN number, and contact details for the newspaper.